

Oriental Journal of Education



FACTORS AND PROSPECTS FOR SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF INTERDEPENDENCE OF CENTRAL AND SOUTH ASIA

Sayfiddin Akhmatovich Juraev

Doctor of political sciences, professor

Tashkent State University

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: juraevs@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Interdependence. Transformation of international relations. Central Asia. Regional identity. Foreign policy. Regional cooperation. Russia. China. Europe. USA

Received: 20.04.24

Accepted: 22.04.24

Published: 24.04.24

Abstract: Trends in the development of mutual political-diplomatic, trade-economic, cultural-humanitarian relations in the countries of the Central and South Asian regions in the conditions of changing international relations. The study of conditions affecting mutual cooperation from the point of view of the concept. interdependence of factors.

To achieve this goal in the changing conditions of international relations, it is necessary to identify the causes, problems and models of interdependence development, factors that meet the interests of the countries of Central and South Asia, strengthen and expand their relations. With the countries of the region, as well as to improve the ways and mechanisms of peaceful foreign policy and recommendations for this scenario are developed. Practical recommendations have also been developed to identify, analyze and implement opportunities for the widespread implementation of sustainable political-diplomatic, trade-economic, transport and communication relations, development and widespread implementation of innovations, which are an important factor in the strategic development of the region.

A study was conducted of negative and positive factors, problems and recommendations affecting the quality of an important link in the realization of regional communication of Central and South Asia of the Islamic Republic of Afghanistan has been carried out. Determination of conditions influencing the development scenario of the new order and formulation of

**МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИНИНГ БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛИ****Сайфиддин Ахматович Жўраев***Сиёсий фанлар докторори, профессор**Тошкент давлат Университети**Тошкент, ўзбекистон**E-mail: juraevs@mail.ru*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўзарo бoғлиқлик. Халқарo муносабатлар трансформацияси. Марказий Осиё. Минтақавий ўзига хослик. Ташқи сиёсат. Минтақавий ҳамкорлик. Россия. Хитой. Европа. АҚШ

Аннотация: Халқарo муносабатларнинг ўзгариши шароитида Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари давлатларида ўзарo сиёсий - дипломатик, савдо - иқтисодий, маданий – гуманитар алоқаларнинг ривожланиш тенденциялари. Ўзарo ҳамкорликка таъсир этувчи шарт шароитларни омилларни ўзарo бoғлиқлик концепцияси нуктаи назаридан ўрганиш

Ушбу мақсадга эришиш учун Халқарo муносабатларнинг ўзгараётган шароитида Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари манфаатларига жавоб берадиган, минтақа мамлакатлари билан ўзарo муносабатларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, тинчликпарвар ташқи сиёсат олиб боришнинг йўллари, механизмларини такомиллаштиришга таъсир этадиган омилларни уни келтириб чиқарадиган сабабларни, муаммоларни аниқлаш ва ўзарo бoғлиқлик ривожланишининг модели ва сценариясига оид тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек минтақа стратегик ривожланишининг муҳим омили барқарор сиёсий дипломатик, савдо - иқтисодий, транспорт - коммуникация алоқаларини, ривожлантириш ва инновацияларни кенг жорий этиш имкониятларини аниқлаш, таҳлил этиш ва амалга ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган

Афғонистон Ислom Республикаси Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий бoғлиқлигини амалда таъминлашнинг муҳим бўғини сифатига таъсир этадиган салбий ва ижобий омилларни, муаммоларни ўрганиш ва тавсиялар шаллантирилди. Янгидан шаклланаётган Халқарo муносабатлар янги тартиботининг Марказий ва Жанубий Осиёга таъсирини ривожланиш сценариясига таъсир этадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва

ФАКТОРЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ВЗАИМОЗАВИСИМОСТИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ И ЮЖНОЙ АЗИИ

Сайфиддин Ахматович Жураев

Доктор политических наук, профессор

Ташкентский государственный университет

Ташкент, Узбекистан

E-mail: juraevs@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Взаимозависимость. Трансформация международных отношений. Центральная Азия. Региональная идентичность. Внешняя политика. Региональное сотрудничество. Россия. Китай. Европа. США

Аннотация: Тенденции развития взаимных политико-дипломатических, торгово-экономических, культурно-гуманитарных отношений в странах Центрально- и Южноазиатского регионов в условиях изменения международных отношений. Исследование условий, влияющих на взаимное сотрудничество, с точки зрения концепции. взаимозависимость факторов.

Для достижения этой цели в меняющихся условиях международных отношений необходимо выявить причины, проблемы и модели развития взаимозависимости, факторы, отвечающие интересам стран Центральной и Южной Азии, укрепить и расширить их отношения со странами региона, а также усовершенствовать пути и механизмы мирной внешней политики и разработаны рекомендации по этому сценарию. Также разработаны практические рекомендации по выявлению, анализу и реализации возможностей широкого осуществления устойчивых политико-дипломатических, торгово-экономических, транспортно-коммуникационных отношений, разработки и широкого внедрения инноваций, которые являются важным фактором стратегического развития региона.

Проведено исследование негативных и позитивных факторов, проблем и рекомендаций, влияющих на качество важного звена в реализации региональной связи Центральной и Южной Азии Исламской Республики Афганистан. Определение условий, влияющих на сценарий развития нового порядка и сформулированы предложения международных отношений в Центральной и Южной Азии.

КИРИШ

Биринчидан. 2021 йилда Ўзбекистон, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш тарихий, илмий, маданий - маърифий меъроси ҳамда иқтисодий ўзаро бир - бирини тўлдириш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, мавжуд интеллектуал салоҳиятни, биргаликдаги саъй - ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириш бўйича халқаро ташаббусини илгари сурди ва амалга оширишга киришди. Марказий ва Жанубий Осиёда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва хавфсизликни таъминлашнинг янги тизимини шакллантириш бўйича Ўзбекистон ташаббусини амалий жиҳатларини таҳлил этиш, унга таъсир этувчи ижобий ва салбий омилларни аниқлаш асосида стратегик характерга эга таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим долбзаб вазифаларга айланди. бўлмоқда.

Шунингдек, янги халқаро тартиботлар шаклланаётган шароитда зиддиятсиз ва муаммоларсиз минтақалараро ҳамкорлик ва шериклик майдони, ўзаро алоқаларни янги механизмларини ривожлантириш билан боғлиқ омилларни таҳлилий тадқиқ этиш, ўзаро боғлиқлик ривожланишининг амалий таҳлилий моделлари ва ривожланиш сценарияларига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим устувор вазифа ҳисобланади. Ўз навбатида бу жараёнларни ривожланиш тенденцияларини, уни келтириб чиқараётган омиллар ва шарт-шароитларни илмий-амалий тадқиқ этиш, бу йўналишда халқаро экспертларни жалб этиш ва таҳлилий тадқиқотларни ўзаро ҳамкорликда ташкил этиш, ҳамкорликда янги ўқув материалларини яратиш муҳим долбзарб масалага айланганлигини кўрсатди

Лойихада ушбу жараёнларга таъсир этадиган қуйидаги омилларни амалий тадқиқ этилди.

Биринчидан, Халқаро муносабатларнинг ўзгараётган шароитида Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари манфаатларига жавоб берадиган, минтақа мамлакатлари билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, тинчликпарвар ташқи сиёсат олиб боришнинг йўллари, механизмларини такомиллаштиришга таъсир этадиган омилларни уни келтириб чиқарадиган сабабларни, муаммоларни аниқлаш ва ўзаро боғлиқлик ривожланишининг модели ва сценариясига оид тавсиялар ишлаб чиқилди

Иккинчидан, минтақалар стратегик ривожланишининг муҳим омили барқарор сиёсий дипломатик, савдо - иқтисодий, транспорт - коммуникация алоқаларини, ривожлантириш ва инновацияларни кенг жорий этиш имкониятларини аниқлаш, таҳлил этиш ва амалга ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди

Учинчидан, Афғонистон Ислом Республикаси Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий боғлиқлигини амалда таъминлашнинг муҳим бўғини сифатига таъсир этадиган салбий ва ижобий омилларни, муаммоларни ўрганиш ва тавсиялар шаллантирилди.

Тўртинчидан, Янгидан шаклланаётган Халқаро муносабатлар янги тартиботининг Марказий ва Жанубий Осиёга таъсирини ривожланиш сценариясига таъсир этадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Бешинчидан, ўзаро минтақавий транспорт коммуникацияларни Европа ва Осиёни бирлаштирувчи аҳамиятини ўрганиш унга таъсир этувчи ижобий ва салбий омилларни, имкониятларини аниқлаш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

АСОСИЙ ҚИСИМ

Қуйидаги асосий амалий муаммони ечишни илмий йўллариغا, воситаларига, услубларига, ривожланиш тенденцияларини, ва таъсир этувчи омилларининг табиатини, даражасини, қонуниятларини англашга эҳтиёжнинг ошганлиги: Кейинги йилларда халқаро муносабатларнинг ўзгариши шароитида Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари давлатларида ўзаро сиёсий - дипломатик, савдо - иқтисодий, маданий – гуманитар алоқаларга ҳаётий эҳтиёж ортиб бормоқда. Лекин бу йўналишда ўзаро ҳамкорликни замонавий даражага олиб чиқишга самарали трансчегаравий йўллар мавжуд эмаслиги, савдо - иқтисодий алоқалар яхши ривожланмагани, ҳамда сиёсий дипломатик ва маданий - гуманитар муносабатлар салоҳияти тўлиқ ишга солинмагани тўсқинлик қилиб келмоқда. Айрим стратегик аҳамиятга масалалар бўйича бир бировини англамаслик, қарама - қаршилик, чегаралардаги вазиятларнинг зиддиятли ҳолатлари мавжуд. Бу амалий муаммони амалий таҳлилий технологиясини яратиш нафақат икки минтақа балки ЕвроОсиё улкан минтақасидаги ривожланишни ва ўзаро алоқаларни янги тенденцияларини келтириб чиқаради. Лойиҳада қўйилган масала бўйича таҳлилий амалий тадқиқотлар олиб борилмаганлиги аниқланди.

Шунингдек Лойиҳани тўлиқ амалга ошириш қуйидаги йўлдош таҳлилий муаммони ҳал этишга имкониятлар яратди:

Биринчидан, халқаро муносабатлардаги ўзгаришлар натижасида янгидан шаклланаётган халқаро тартиботларнинг Марказий ва Жанубий Осиёга таъсири ва истиқболидаги ижобий ва салбий тенденциялар;

Иккинчидан, Марказий Осиёда барқарор ва хавфсизлик ривожланиш ва ўзаро ҳамкорликни янги босқичга чиқиши, бу даражани кейинги ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар, Марказий Осиё давлатларининг бу жараёнларда иштироки ва ёндашувининг умумий жиҳатлари ва ўзига хос томонлари;

Учинчидан, Афғонистондаги жараёнларнинг умумий жиҳатлари ва ўзига хос жиҳатлари; Афғонистонда вужудга келган янги вазиятнинг ривожланиши ва унга таъсир этувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги;

Тўртинчидан, Минтақалардаги жараёнларга нисбатан Россия ва АҚШ ҳаракатларининг уйғун томонлари ва бир бирига мос келмайдиган ёндашуви; Россия ва Хитой ўртасидаги

Ўшашлик ва бир бирига мос келмаслиги; Покистон ва Хиндистоннинг бир бирига мос ва мос келмайдиган жиҳатлари; Покистон ва Россиянинг бир бирига мос ва мос келмайдиган жиҳатлари.

Бешинчидан, Минтақалар ривожланишига таъсир этувчи халқаро терроризм, нарко-терроризмнинг ва экстремизмнинг янги ҳаракатлари, кўринишлари. Уларнинг салоҳияти ва манбалари, ҳамда таъсир даражасини аниқлашга бўлган эҳтиёж.

Олтинчидан, Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлиги парадигмасини илмий методологик асослашнинг зарурияти, уни халқаро илмий мулоқот предметига айлантириш зарурияти ва бу жараёнга халқаро экспертларни, тадқиқотчиларни жалб этиш, биргаликда илмий асосланган кун тартибини шакллантириш зарурияти.

Юқоридаги жараёнларни илмий-таҳлилий ўрганиш асосида амалий тавсия ва таклифларни ишлаб чиқиш ва Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлиги модели халқаро ҳамкорликда ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Биринчидан, Марказий ва Жанубий Осиёнинг геосиёсий ва геоиқтисодий потенциали, ундаги сиёсий жараёнлар, давлатлараро муносабатлар сиёсий тадқиқотларнинг доимий мавзуси бўлиб келган. Тадқиқотлар йўналишини, унда ечилган муаммоларни икки босқичга ажратиш мақсадга мувофиқ. Биринчи босқич XX асрнинг 90 йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда олиб борилган тадқиқотларда қуйидаги тенденция ва йўналишлар устунлик қилган. Биринчидан, Марказий Осиё Россия империясининг, кейинчалик СССРнинг таркибий қисми сифатида ўрганилган. Минтақадаги жараёнлар Россиянинг ташқи сиёсати доирасида ўрганилган. Минтақа давлатлари халқаро сиёсатнинг субъекти сифатида қаралмаган. Ўз навбатида илмий тадқиқотларда Жанубий Осиё минтақасидан ажратилган ҳолда тадқиқ этилган. Ғарб давлатларида, Жанубий Осиё давлатларининг ўзида Марказий Осиёга оид тадқиқотлар деярли олиб борилмаган. Олиб борилган тадқиқотлар икки минтақани алоҳида алоҳида қаралган.

Иккинчидан, олиб борилган тадқиқотларда асосий эътибор минтақа давлатларининг тарихи, совет мафқурасининг таъсири, иқтисодий - гуманитар потенциали ўрганилган. Тадқиқотларда реал воқеликни тасвирлаш имконияти бўлмаган, сабаби, минтақа давлатлари тўғрисида объектив маълумотлар олиш, жойларда тадқиқотлар олиб бориш имконияти бўлмаган. Асосан, хорижий кутубхоналардаги манбалар, турист сифатида борган шахслардан маълумотлар орқали ўрганилган. Асосий манбалардан яна бири, - бу Россиядаги кутубхоналар, расмий оммавий ахборот воситаларининг материаллари ҳисобланган. Шунинг учун ҳам аксарият тадқиқотлар бир томонлама бўлиб қолган. Ўз навбатида, Ғарбда советология мактаби шаклланиб, ривожланган, ҳамда асосий тадқиқотлар шу йўналишда олиб борилган. Табиий равишда илмий натижалар бир бирига қарама қарши бўлган

Учинчидан, Жанубий Осиё мамлакатларининг ташқи сиёсати, унинг геосиёсий ва геоиқтисодий потенциали Марказий Осиёдан ажратиб олиб ўрганилган. Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлиги маъносида тадқиқотлар фақат тарихийлик жиҳатидан ўрганилаган.

Тўртинчидан, бу босқичда асосан Собик СССРда ва АҚШ, Европа давлатларидаги тадқиқотлар бир-бирига рақобат бўлган. Рақобатнинг асосий мақсади -икки томон Марказий Осиёни ўз манфаатларига асос бўладиган илмий тадқиқотларни, таҳлилий лойҳаларни амалга оширишган. Марказий Осиё давлатларининг мутахассислари бу жараёнларда иштироки этиш имконияти деярли бўлмаган.

Марказий Осиёни илмий тадқиқ этиш, таҳлилий жиҳатдан ўрганиш минтақа давлатлари мустақилликка эришгандан сўнг иккинчи босқичи бошланди. Бу босқичда қуйидаги тенденциялар пайдо бўлди.

Биринчидан, Европа ва АҚШда Марказий Осиёни ўрганувчи барча ташкилотлар, университетлар ақлий марказлар минтақага нисбатан методологияси ёндашувини ўзгартириб, уни алоҳида мавзуга айлантirdилар. Минтақани ўрганувчи янги илмий марказлар, кафедралар пайдо бўлди. Европа АҚШ мутахассислари учун Марказий Осиёга келиб бевосита шу ерда тадқиқотлар ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Марказий Осиёни ўрганишни янги йўналишлари пайдо бўлди, янги мактаблар фаолият юрита бошлади.

Иккинчидан, Марказий Осиё давлатларининг ўзида янги илмий марказлар, янги йўналишлар, кафедралар вужудга келди. Бугунги кунда улар фаолиятида Марказий Осиёнинг жараёнларини илмий фундаментал ва таҳлилий ўрганиш методологияси ривожланиб бормоқда.

Учинчидан, Осиё мамлакатларида жумладан Хитой, Туркия, Покистон, Эрон, Хиндистонда Марказий Осиёни ўрганувчи илмий муассаларнинг янги авлоди фаолият юритмоқда.

Тўртинчидан, Россияда ва МДХ давлатларида Марказий Осиёни таҳлилий тадқиқ этишнинг, амалий таҳлилий ўрганишнинг янги йўналишлари пайдо бўлди.

ХУЛОСА

Лойиҳа давомида олинган натижалар илмий, амалий, сиёсий, иқтисодий ва маданий гуманитар аҳамиятга эга. Биринчидан олинган илмий таҳлилий натижалар, тушунчалар ва категориялар сиёсий таҳлилнинг методологик базасига ҳисса қўшади. Ушбу йўналишда янги амалий тадқиқотлар олиб боришни янги йўналишларини вужудга келтиради. Иккинчидан, тизимлаштирилган фактлар, хулосалар ва концептуал ғоялар ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларнинг замонавий тенденцияларини ўрганишда ва тушунишга таҳлилий база сифатида ёрдам беради. Учинчидан, реал вазиятни тушунишга ва бошқаришга оид қарорлар

ишлаб чиқишга амалий таҳлилий асос сифатида ёрдам беради. Тўртинчидан, ўзаро боғлиқликка оид аниқланган тизимли муаммо ва унинг ечимига доир фикрлар давлат ва давлатлараро миқёсда келушувлар, қарорлар қабул қилиш учун асос бўлади. Бешинчидан, Марказий Осиёнинг замонавий модели ва сценариялари вазиятни аниқ тушунишга, мониторинг олиб бориш ва хулосалар чиқаришга янги имкониятлар яратади. Олтинчидан, тадқиқотнинг натижалари Ўзбекистон ташаббусини халқаро миқёсда оммалаштиришнинг янги механизмларини яратади. Еттинчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг, айниқса, моҳияти унда вужудга келган янги тенденцияларни, ижобий жиҳатларини, эришилган натижаларни жаҳонда ва юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, мамлакатимиз ёшларини ватанпарварлик ва бунёдкорлик руҳида тарбиялаш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтиришга амалий ёрдам беради. Саккизинчидан, ёш мутахассисларга ташқи сиёсат, халқаро сиёсат халқаро муносабатлар соҳасида таҳлилий ва мустақил фикр-мулоҳазаларни юритиш кўникмаларини шакллантириш, таҳлилий тадқиқотлар олиб бориш, минтақавий халқаро ҳамкорлик механизмларини мустаҳкамлаш масалалари, уларнинг профессионал, интеллектуал ва маънавий комилликка эришишига ички ва ташқи таҳдидларнинг сабаб-оқибатларини илмий - таҳлилий асосда ўрганиш кўникмаларини шакллантиришга амалий ёрдам беради.

Шундай қилиб, Биринчидан, Мустақиллика эришгандан кейин Марказий Осиё давлатларини таҳлилий тадқиқ этишнинг янги методологияси, ёндашуви шаклланиб ривожланиб бормоқда, уни амалий-таҳлилий ўрганишда юқоридаги йўналишлар ўртасида кучли илмий рақобат мавжуд. Ҳар бир йўналишни асосида геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлар бор.

Иккинчидан, асосий хулоса шундан иборатки, ҳар бир йўналиш таҳлилий тадқиқотчиларининг Марказий Осиёдаги жараёнларни минтақадаги таҳлилчилар, амалиётчилар ва илмий тадқиқотчилар билан ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга оширишга бўлган эҳтиёжи бор. Бундан ташқари, Марказий ва Жанубий Осиёни ўзаро боғлиқда ўрганишга ёндашув кучайиб бормоқда. Бу ҳолатлар тақдим этилаётган лойиҳа натижаларининг истиқболлилигини тасдиқлайди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Янги ўзбекистон стратегияси. – Т. «O‘zbekiston» нашриёти, 2021. 464-бет.
2. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик. URL:<https://president.uz/uz/lists/view/5495> (мурожаат санаси:12.09.2022).

3. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на саммите Совета сотрудничества тюркоязычных государств. 13.11.2021.
<https://president.uz/ru/lists/view/4758>
4. Ш.Мирзиёев. Участникам первой международной конференции «Взаимосвязанность Европейского союза и Центральной Азии: глобальные ворота для устойчивого развития». 18.11.2022. <https://president.uz/ru/lists/view/5714>
5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ.Ўзбекистон конунчилиги маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) <https://lex.uz/docs/6445145>
6. «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА
[HTTPS://LEX.UZ/RU/DOCS/6600413](https://lex.uz/ru/docs/6600413)
7. У.Хасанов. Приоритеты региональной и глобальной повестки будут преваляировать в двусторонних отношениях Узбекистана и Азербайджана. 22 июня 2022.
<https://news.day.az/politics/1472928.html>
8. А.Неъматов. Эксперты обсудили вопросы сотрудничества между странами Каспийского региона и ЦА. 13 августа 2020 года. <https://uzreport.news/politics/eksperti-obsudili-voprosi-sotrudnichestva-mejdu-stranami-kaspiyskogo-regiona-i-tsa>
9. Juraev, S., & Sayfullaev, D. . (2023). Friendly and peaceful policy of Uzbekistan. SPAST Abstracts, 2(02). Retrieved from <https://spast.org/techrep/article/view/4457>
10. Взаимосвязанность Центральной Азии и Каспийского региона (Хаммуаллифликда). // Россия и мир: научный диалог. 2023. № 4(10). С. XX-XX, [https://doi.org/10.53658/RW2023-3-4\(10\)-XX-XX](https://doi.org/10.53658/RW2023-3-4(10)-XX-XX) Россия и Мир.
11. Значение США, России, Китая и Европейского Союза в Центральной Азии. Информационно аналитический Бюллетен.2023 год. Выпуск №1 Ташкентский государственный Университет Востоковедения. Август 2023 г.Ташкентский государственнқй Университет Востоковедения.
12. Афганистанский фактор в Центральной Азии: «Должны ли США нормализовать отношения с талибами?». Информационно аналитический Бюллетен.2023 год.Выпуск №2 Ташкентский государственныйқй Университет Востоковедения.
13. Региональная дипломатическая платформа “С5+1” Информационно аналитический Бюллетен.2023 год .Выпуск №3 Ташкентский государственныйқй Университет Востоковедения. Сентябрь 2023 г.
14. Китайский проект «один пояс, один путь» Информационно аналитический Бюллетен.2023 год. Выпуск №4. Ташкентский государственныйқй Университет Востоковедения.Октябрь 2023 г

15. Аналитический обзор оценок зарубежных экспертов по строительству канала Кош-Тепа (Афганистан) Информационно аналитический Бюллетен.2023 год Выпуск №4. Ташкентский государственнқй Университет Востоковедения. Ноябрь 2023 г

16. Шанхай ҳамкрлик ташкилоти давлатлари: тарихий муштараклик ва ҳамкорлик истиқболлари.Ҳалқаро илмий амалий анжуман материаллари.Ўзбекистон Миллий Университети.2023 йил.09-10 июнь.Тошкент 22.

17. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигда хавфсизлик ва барқарорликнинг таъминлашданинг долбзарб масаллари.Республика илмий амалий конференция материаллари.Т.Ўзбекистон республикаси жамоат хавфсизлиги Университети.2023 йил.26 май.

18. Мир в 2035 году: вниз по лестнице, ведущей вверх? <https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/mir-v-2035-godu-vniz-po-lestnitse-vedushchey-vverkh/>. Чжао Хуашэн Профессор Фуданьского университета, старший научный сотрудник Пекинского клуба международного диалога К.и.н., научный руководитель РСМД, член РСМД, Андрей Кортунов К.и.н., научный руководитель РСМД, член РСМД

19. Международная система между кризисом и революцией . Андрей Кортунов К.и.н., научный руководитель РСМД, член РСМД <https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/mezhdunarodnaya-sistema-mezhdu-krizisom-i-revolyutsiey/>

20. Globalization Isn't Dead The World Is More Fragmented, but Interdependence Still Rules.By Ian Bremmer.October 25, 2022.Xi Jinping's Quest for Order.Security at Home, Influence Abroad.By Sheena Chestnut Greitens.October 3, 2022

21. The Trouble With “the Global South”.8.What the West Gets Wrong About the Rest By Comfort Ero April 1, 2024

22. Geopolitics in the C-Suite .More Than Ever, U.S. Foreign Policy Depends on Corporations—and Vice Versa.By Jami Miscik, Peter Orszag, and Theodore Bunzel.March 11, 2024

23. Playing Both Sides of the U.S.-Chinese Rivalry.Why Countries Get External Security From Washington—and Internal Security From Beijing.By Sheena Chestnut Greitens and Isaac Kardon. March 15, 2024

24. How to Thwart China's Bid to Lead the Global South.America Should See India as a Bridge to the Rest of the World.By Happymon Jacob December 25, 2023